O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K...
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 15 YANVAR ◆ SESHANBA ◆ №7 (26.866)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 январь куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Хорижий операциялар бўйича қўмитаси раиси Жим Колбини қабул қилди.**



Юртимизга ташрифи арафасида америкалик конгрессмен Ўзбекистон ҳақида самимий гаплар айтиб, мамлакатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр билдирган эди. Президент Ислом Каримов юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ж.Колбининг мамлакатимизга бундай муносабатини юксак қадрлашини таъкидлади.

— Ўзбекистонга келганингиз айни муддао бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ташрифингизни минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, аксилтеррор операцияси бошланганидан кейин юз бераётган ўзгаришларни кўриш ва баҳолаш истагида амалга оширилган тадбир, деб ҳисоблаймиз.

Ж.Колби қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди. АҚШ Ўзбекистон билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

**Суратда:** қабул пайти

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

## ШОНЛИ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн йиллиги кенг нишонланди. 12 январь куни пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга Қуролли Кучларимиз вакиллари — оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, ишчи ва хизматчилар, уруш, меҳнат ҳамда армия фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртлари курсантлари, шаҳар жамоатчилиги намояндалари, меҳмонлар тўпланди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини республика мудофаа вазири Қ.Ғуломов ўқиб эшиттирди ва ушбу шонли сана тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатимизда замон талабларига жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимиз ташкил этилди. Армиямиз ўн йил мобайнида мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилаётир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизни ташкил этиш борасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, фахрийлар номидан захирадаги офицер А.Алимов Қуролли Кучларимиз вакилларини шонли байрам билан табрикладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Тантанали йиғилишдан кейин республика санъаткорлари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш қилинди.

■ (ЎзА)

## МЕҲМОНХОНАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

*Пойтахтдаги «Дўстлик» меҳмонхонасини реконструкция қилиш мақсадида Туркиянинг Emsas insaat turizm ticaret AS фирмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги муассислигида «Премьер Интернэшнл Турон» қўшма корхонаси барпо этилди.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги инвестициялар бош бошқармасидан* ***«Туркистон-пресс» мухбири****га маълум қилишларича, қўшма корхонанинг дастлабки устав жамғармаси 6,8 миллион долларни ташкил этди.*

*Тошкент марказида жойлашган ушбу меҳмонхона реконструкциясига 2002 йилнинг ёзида киришилади. Реконструкция ишлари тахминан икки йилда тугалланади. Шундан кейин «Дўстлик» уч юлдузли меҳмонхонага айланади.*

*Лойиҳани молиялаштириш қўшма корхона устав жамғармаси, шунингдек, Туркия Эксимбанки кредитлари ҳисобига амалга оширилади.*

*«Дўстлик» меҳмонхонаси 1969 йилда қурилган 9 қаватли иккита бинодан иборат бўлиб, у 450 та хонага эга. Қурилиш тугаганидан кейин қўшма корхона меҳмонхона менежментлигига хорижий операторни жалб этишни мўлжалламоқда.*

*Айни пайтда пойтахтдаги 4 та отел чет эл операторлари томонидан бошқарилмоқда.*

## БУХОРО ЁДГОРЛИКЛАРИ БЕЛЬГИЯЛИКЛАР НИГОҲИДА

Брюсселдаги шаҳарсозлик, меъморчилик ва шаҳар манзараси халқаро марказида «КАРЕБУК» лойиҳасининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Бельгиянинг ижтимоий-сиёсий доиралари, мамлакатда аккредитация қилинган дипломатия корпуси вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Қайд этиш жоизки, ушбу лойиҳа яратилиши ғоясининг тарихи 1997 йилга бориб тақалади. Ўшанда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Барри Лейн ва Франциянинг «Карвон сарой» ассоциацияси раҳбари Эрик Торк Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида икки нафар италиялик олимга Марказий Осиё республикаларидан биридаги бирон-бир тарихий ёдгорликни таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқишни тавсия этишган эди.

«КАРЕБУК» лойиҳаси муаллифлари ҳеч бир иккиланишларсиз Бухорони танлашди, чунки ўрта асрларда Буюк Ипак йўлининг барча йўллари аввалambор Бухорога, сўнгра эса Венецияга олиб борганлиги тарихдан яхши маълум.

Айнан шунинг учун ҳам лойиҳа муаллифлари Бухоро шаҳри ҳокимияти билан яқин ҳамкорлик ўрнатган ҳолда шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари қисмида жойлашган «Рашид» мадрасасини таъмирлаш устида иш бошлашди.

Мадраса негизида «Меъморий ёдгорликлар ва шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш маркази»ни тузишга қарор қилинган эди. Муаллифлар фикрича ҳам, бу Ўзбекистоннинг меъморчилик институтлари билан Европадаги турли махсус ўқув марказлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши учун айни муддао эди.

Ушбу лойиха тақдимотининг тантанали очилиш маросимида Бухоронинг бош меъмори З.Қиличев тўпланганлар олдида сўзга чиқиб, шаҳар тарихи, Бухорода меъморий ёдгорликларни сақлаб қолиш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар хусусида сўзлаб берди.

Ўз навбатида, лойиҳа муаллифи Никола Детри ҳам Ўзбекистоннинг минтақадаги барқарор мамлакат эканлигини таъкидлар экан, Европа мамлакатларининг маданият соҳасида сармоя ётқизиши учун Ўзбекистон мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, мазкур лойиҳа келгуси йил баҳорида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси бошқармасига тақдим этилади, сўнгра эса унинг амалий ижроси бошланади.

■ **Ж.ДЕҲҚОНОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Брюссель.

## ҚОР ҚУВОНЧИ



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 15 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 356,85 |
| 1 Австрия шиллинги | 44,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 998,35 |
| 10 Бельгия франки | 152,77 |
| 1 Голландия гульдени | 279,66 |
| 10 Греция драхмаси | 18,10 |
| 1 Дания кронаси | 82,97 |
| 1 БАА дирхами | 187,57 |
| 1 АҚШ доллари | 688,90 |
| 1 Миср фунти | 149,76 |
| 10 Испания песети | 37,04 |
| 100 Италия лираси | 31,83 |
| 1 Канада доллари | 431,59 |
| 1 Хитой юани | 83,23 |
| 10 Люксембург франки | 152,77 |
| 1 Малайзия ринггити | 181,31 |
| 1 Германия маркаси | 315,10 |
| 1 Польша злотийси | 170,39 |
| 1 СДР | 866,62 |
| 1000 Туркия лираси | 0,50 |
| 1 Финляндия маркаси | 103,65 |
| 1 Франция франки | 93,95 |
| 1 Швейцария франки | 417,03 |
| 1 ЕВРО | 616,29 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,26 |
| 10 Япония иенаси | 52,30 |
| 1 Россия рубли | 22,63 |
| 1 Украина гривнаси | 129,71 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

## КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

*Ичимлик суви ва белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан Боғот туманидаги «Қораёнтоқ» қишлоқ аҳолисини мунтазам таъминлаш муаммоси юзасидан Хоразм вилояти, Боғот тумани, «Хоразм» ширкат хўжалигининг 1-бўлимида яшовчи А. Саъдуллаевнинг шикоят-аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.*

*Хўжаликда ҳақиқатан ҳам аҳолига ичимлик суви етказиб беришда айрим сабабларга кўра узилишлар бўлган ва ҳозир туман ҳокимлиги томонидан бу салбий ҳолатларга барҳам бериш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича қишлоқда туман матлубот савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2 та савдо шаҳобчасида белгиланган турдаги маҳсулотлар аҳолига сотилиши йўлга қўйилди. Ушбу шаҳобчаларда бу маҳсулотларнинг доимий бўлишлигини туман ҳокимлиги ва «Қораёнтоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўз назоратига олган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қишлоқ учун ажратилган ун маҳсулоти навбати билан эҳтиёжга қараб маҳаллаларда тарқатилиши йўлга қўйилган.*

■ **Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. УТАМОВ**

✧✧✧

*Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳокимлиги ходимлари томонидан Ойбек кўчаси 49-уй, 207-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро А. Асроновнинг «уйида иссиқлик йўқлиги» ҳақидаги аризаси жойига чиқиб ўрганилди.*

*Аризада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиб, иссиқлик тармоғи таъмирланди ва ҳозирги вақтда ҳамма хонадонларда иссиқлик бор.*

■ **Миробод тумани ҳокими А. ТЎРАЕВ**

## BU DUNYONING ISHLARI

### ТЕРРОРЧИЛАР ЎЛИМГА ҲУКМ ЭТИЛАДИ



Афғонистон ҳукумати биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодин ва толиблар етакчиси Мулла Умарга ўлим жазоси тайинлашга тайёрлигини билдирган. Бу ҳақда яқинда лавозимга тайинланган Афғонистон олий суди раиси Фозил Хади Шинвари маълумот берган. Унга кўра, агар бин Лодин ва Мулла Умарни судга топширишнинг имконияти туғилса, уларга ўлим жазоси тайинланиши муқаррар. Шинварининг сўзларига кўра, айнан уларнинг айби билан Афғонистонда тартибсизлик ва қашшоқлик ҳукм сурмоқда. Айнан уларнинг айби боис, Афғонистон АҚШ томонидан бомбардимон қилинди. Бундан ташқари бин Лодиннинг нотўғри ташвиқоти туфайли дунёда исломга нисбатан ноҳақ қараш вужудга келди.

Афғонистондаги муваққат ҳукумат тинч афғон халқининг ўлимига сабабчи бўлган барча толибларни кескин жазолашини таъкидлаб ўтган.

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг билдиришича, Қандаҳордан жўнатилган асирлар ҳозирда Кубадаги Гуантанамо оролчасига келтирилган. Улар бу ерда ҳарбий асир тоифасида эмас, балки ноқонуний уруш олиб борган кишилар сифатида сақланади.

Шунингдек, АҚШ генерали Ричард Майерснинг сўзларича, ҳозиргача Афғонистонда қўлга олинган жангариларнинг сони 445 нафарга етган.

### АҚШГА САФАР

Туркия бош вазири Бюлент Эжевит сўнгги пайтларда мамлакатда содир бўлаётган иқтисодий муаммоларга ёрдам уюштириш масаласида АҚШга сафар уюштирди. Маълумотларга кўра, бош вазир Вашингтондан Туркиянинг 5 миллиард доллар ҳажмидаги қарзини қайтаришдаги қўшимча имкониятларни сўрамоқчи ёки бу имкониятлар муддатини чўзишни мақсад қилган. Шунингдек, Анқара АҚШнинг аксилтеррор операциясидаги иштироки, жумладан, қўшинларининг Афғонистондаги тинчликпарвар ҳаракатларидаги иштироки ҳисобига маълум иқтисодий ёрдамга умид билдирмоқда, дея хабар қилинади.

### ИЛК ТАШРИФ



Якшанба куни Бразилия Президенти Фернанд Энрики Кардоз сиёсатчилар, тадбиркорлар, ҳарбийлар ҳамда журналистлардан иборат бир гуруҳ делегация ҳамроҳлигида Россияга ташриф буюрди. Бу унинг ушбу вазифада фаолият олиб бораётган етти йиллик давридаги илк ташрифидир.

Ташрифда расмий президентлар музокараларидан ташқари палаталараро ҳамда икки давлат тадбиркорлари доирасидаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Шунингдек, икки давлат ўртасида халқаро жиноятчиликка қарши кураш, маданий алоқалар, таълим ва спорт соҳасида 2002-2003 йилларга мўлжалланган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

### ГЕРМАНИЯ ҲАРБИЙЛАРИ ИШТИРОКИ

Германия ва Жибути ГФР ҳарбийларини Африканинг мазкур мамлакатига жойлаштириш тўғрисида битим имзолади. Маълумки, АҚШ ва унинг иттифоқчилари Аден кўрфази ҳамда Сомалининг Қизил денгиз билан туташган ҳудудларида халқаро террорчиликка қарши операция ўтказишни режалаштирмоқда. Германия ҳарбийлари ҳам ушбу операцияда иштирок этмоқчи.

### ВАЗИР БАЁНОТ БЕРДИ



Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес расмий Тел-Авив Яқин Шарққа халқаро кузатувчилар жойлаштиришга қарши эканини яна бир бор маълум қилди. Исроил билан Фаластин ўртасидаги зиддиятни бартараф этишнинг ягона йўли минтақадаги террорчи гуруҳларни бутунлай яксон қилишдир, деди вазир.

### ЯГОНА ҲАМЖАМИЯТГА ЧАҚИРДИ



Япония Бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми Хитой, Жанубий Корея ҳамда Жануби-шарқий Осиё уюшмасига аъзо давлатларни минтақада ягона ҳамжамият тузишга чақирди. Келажакда бу тузилмага Австралия ва Янги Зеландияни ҳам қўшиш мумкин, деди у. Д.Коидзумининг айтишича, бўлажак минтақавий ҳамжамият барча соҳадаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. У АҚШ, Европа ва Жанубий Осиё давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилмоғи лозим.

### ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Европа Иттифоқи ва Тожикистон Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари қайта тикланадиган бўлди. Бу ҳақда ЕИнинг ушбу давлатдаги ваколатхонаси ўтказган матбуот конференциясида айтиб ўтилди. Ўзаро ҳамкорлик шу йил январь ойиданоқ, ТАСИС доирасидаги янги дастурларни амалга оширишдан бошланади.

ЕИ ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар 1997 йилда, ТАСИС ходими Карин Маннинг террористлар томонидан ўлдирилиши оқибатида тўхтатилган эди.

**Internet хабарлари асосида тайёрланди**

# ДАВЛАТ ҚИЁФАСИНИНГ АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ёрдамчиси Ҳабибулла АВЕЗОВ билан мулоқот**

— «Конституция» сўзи лотинча «constitutio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «тузилиш» деган маънони билдиради. Конституция тез ўзгармайдиган, барқарор қонун ҳисобланади. Масалан, АҚШ Конституцияси 212 йилдан, Швейцария Конституцияси 125 йилдан ортиқ вақтдан бери ишлаб келмоқда. Бу Конституцияларга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилган, лекин тўлалигича янги Конституциялар қабул қилинмаган.

Жаҳон мамлакатларида Конституциялар номланиши, тузилиши жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Австрияда Федерал конституцион қонун, Германияда Асосий қонун, Канадада конституцион акт, Мексикада «Бирлашган Мексика штатларининг сиёсий конституцияси» деб аталади. Жаҳондаги давлатларнинг конституциялари тузилиши, номланиши билан бир-биридан фарқ қилса-да, мақсади жиҳатдан ўхшашдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Ўзбекистондан кейин Қирғизистон (1993 йил, май), Россия Федерацияси (1993 йил, декабрь), Беларусь Республикаси (1994 йил, март), Тожикистон (1994 йил, ноябрь), Қозоғистон (1995 йил, август) ва бошқалар ўз конституцияларини қабул қилишган.

Конституцияда халқнинг мақсади, давлатнинг қиёфаси унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлиги акс эттирилади.

**— Қонун тайёрлашда ҳар бир халқнинг миллий яшаш шароити, миллий дунёқараши, хуллас, миллий менталитети ҳисобга олинади. Дунё мамлакатлари қонунчилигидаги баъзи фарқларни ҳам шу тариқа изоҳласа бўлади. Конституциямизда «Оила» деган алоҳида боб борлигини кўпчилик қонуншунослар миллий хусусият билан боғлашади. Конституциямизда шунга дахлдор ўринлар, яъни Асосий Қонуннинг миллий хусусиятлари ҳақида нималар дейиш мумкин?**

— Ҳақиқатан ҳам Конституциямизнинг 14-боби «Оила» деб номланган. Гап шундаки, оила — жамиятнинг ўзаги, бўғини. Давлат ва жамият инсон — фуқаросиз мавжуд эмас. Давлатнинг туб маъноси — халқ. Ҳар бир инсон энг аввало оилада тарбия олади. Демак, жамиятга ўз ҳиссасини қўшадиган шахснинг фаолияти унинг оиладаги тарбиясига боғлиқ. Оила билан боғлиқ масалаларнинг Конституцияда алоҳида бобга ажратилганлигининг сабаби шу бўлса керак.

«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», деб кўрсатилган Конституциянинг 64-моддасида. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат зиммасига юкланган. Вояга етган фарзандлар эса ота-оналари касал бўлган, меҳнат қобилиятини йўқотган, уларга қарам бўлиб қолган ҳолларда ёрдам беришлари шарт. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ватанига садоқатли, жамият ва кишиларга фойда келтирадиган инсон қилиб тарбияламоғи керак. Буларнинг бари бизнинг менталитетимиздаги хусусиятдир. Президентимиз томонидан 1997 йил «Инсон манфаатлари йили», 1998 йили «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинган эди. 2002 йил эса «Қарияларни қадрлаш йили» деб белгиланди. Эътибор беринг, ҳар бир йилнинг номланиши оила, она ва фарзанд билан боғлиқ.

Конституциямизда юртимизнинг тарихий анъаналаридан олиниб мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар сирасига ҳокимликнинг жорий этилиши ва маҳаллани мустаҳкамлаш масалалари ҳам киради. Эндиликда вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳududдаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раиси (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди деб белгилаб қўйилганки, бевосита бу модда ҳам халқимизнинг турмуш тарзидан келиб чиқиб белгилангандир.

**— Конституциявий суд Конституциямизнинг 108-моддасига мувофиқ Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигини аниқлайди. Конституциявий суднинг бу борадаги фаолиятига тўхталсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди олти йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу даврда ўтказилган суднинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорларини Конституцияга мослигини аниқлаш бўйича қатор масалалар кўриб чиқилган бўлиб, айрим қонунларнинг нормаларига шарҳ берилди. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, меҳнат, фуқаролик, уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган бир қатор ишлар кўриб чиқилди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатларини Конституцияга қанчалик мослигини аниқлаш мақсадида шу давр ичида 2000 дан ошиқ ҳужжат абстракт контрол тариқасида ўрганилди. Қонунчилик ташаббуси билан 3 масала Олий Мажлис муҳокамасига киритилди.

Кези келганда бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Конституциявий суд бошқа судларга ўхшаб (умумий, хўжалик судлари) кўплаб масалаларни кўриб чиқмайди. Лекин унинг қабул қилган қарор ва тўхтамлари ўн минглаб одамларнинг тақдирига таъсир ўтказади. Мисол сифатида 2001 йилнинг 9 августида қабул қилинган Конституциявий суднинг қарорини келтирмоқчиман. Ўшанда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб Конституциявий суд солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишларни кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ноқулай шароитни юзага келтириш, деб ҳисоблаш керак деган хулосага келди. Бунинг натижасида республикамизда фаолият олиб бораётган минглаб тадбиркорлар маълум муддат давомида рўйхатдан ўтган пайтда амалда бўлган ставкалар бўйича солиқ тўлаш имкониятига эга бўлдилар.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ суҳбатлашди**

МУЛОҲАЗА

# ТУЗИНГНИ ТЎКМА, ШАМОЛНИ СЎКМА...

## ЧУНКИ ҚАЛОВИ ТОПИЛСА, ШАМОЛ ҲАМ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

**Барча халқларнинг яшаш шароити ва маданий савияси уларнинг электр қувватидан фойдаланиши, бундай қувват билан таъминланганлик даражаси билан белгиланади. Хўш, Ўзбекистон бу борада қай аҳволда? Мухбиримиз Норбобо ШАКАРОВ техника фанлари доктори, профессор Аъзам Азимов билан шу хусусда суҳбатлашди.**

— Ҳозир ер юзида ҳар бир одам йилига ўртача 1,8 тонна шартли ёқилғи сарф қилади. Афсуски, бизда бу кўрсаткич 0.7 т.ш.ё дан ошмайди. Биздаги мавжуд электростанцияларнинг ҳозирги қуввати 11 млн. квт. Ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг умумий миқдори 50 млр. квт.ни ташкил этади. Ваҳоланки, мамлакатимиз эҳтиёжи 75 млр. квт эканлигини ўйласак, бу рақам хийла оз эканлигини англаймиз. Бизнинг сув омборлари асосида қурилган ГЭСларимиз энергетика графигида эмас, вегетация даврида сув хўжалиги графигида ишлашини назарга олсак, аҳвол янада мушкул эканлигини кўрамиз.



Аҳоли сони 2005 йилга бориб 26 млн.га етиши кутилаяпти. Ана шунда энергетика таъминотига эҳтиёж янада кучаяди. Янги ГЭСлар қуришга эса шароитимиз йўқ. Демак, энергетика тақчиллигини бартараф қилишнинг бошқа йўлларини қидиришимиз шарт. Бу — қуёш, шамол, ер қаърининг қувватидан фойдаланиш усулларидир. Буларнинг ичида шамол қувватидан фойдаланиш эътиборга молик. Чунки, бу усул билан электр қуввати олиш республикамизда азалдан маълум.

Шамол қувватидан ишлайдиган тегирмонлар, қудуқлар, кичик хўжаликларга қувват бериб, уйларини ёритадиган майда станциялар республикамиз манзарасини тарк этганига 40-50 йилча бўлиб қолди. Катта ва улкан ГЭСлар, кучланиши 500-700 квт.ли электр ўтказгичларга ўрганиб қолган халқимизга шамол паррақларидан фойдаланиб, электр қуввати олиш ғояси албатта эриш туюлиши мумкин.



Лекин аслида ундай эмас. Масалан, тараққиёти юқори даражада бўлган Данияда шамол парраклари жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги пайтда давлат энергетика таъминотининг тахминан 15 фоизини ташкил қилади. 2020 йилга бориб бу мамлакатда ушбу кўрсаткични 50 фоизга етказиш мўлжалланяпти. Шамол энергиясининг миллий энергия балансидаги ҳиссаси Германияда 30, АҚШда 24, Хитойда 15 фоизга етади. Данияда ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ АЭСлар ўрнига ШЭСлар қуришга қарор қилинган. Парраклар ўрнатилган ускуналар катта йўлларнинг четида ёки қишлоқ далаларининг ўртасида бўлиб, ҳеч кимга безиён ишлаб турибди. Атроф манзарасини бузмай, ҳатто унга афсонавий кўрк берган ҳолда, ўтмиш эртакларини эслатади.

Чет эл газета ва журналларини варақлаган киши шамол қувватидан фойдаланиш, бу узоқни кўрувчи ишбилармонлар учун жиддий машғулот, ижод манбаи эканлигига шак-шубҳасиз ишонади. Масалан, чет эллардаги ишлаб турган шамол паррақларининг 50 фоизи кооперативлар ихтиёрида, қолган ярми мамлакатни электр қуввати билан таъминловчи энергетика фирмалари ва хусусий мулк эгаларига қарашлидир. Парракли ускуналарнинг 150 квт. электр қуввати ишлаб чиқарадиган тури тахминан 100 минг доллар бўлиб, сарфланган барча харажатларни 2-3 йилда тўла қоплар экан. Бундай ускуналарнинг капитал таъмирсиз ишлаш вақти 20 йилгача, келтирадиган фойдаси эса 750-800 мингдан 1 миллион долларгача етаркан. Ўзбекистон шароитида бу кўрсаткичлар янада тежамли, янада фойдалироқ бўлиб чиқади.

**— Айтишларича, Голландияни гуллаб-яшнаган диёрга айлантирган нарса — шамол парраклари эмиш. Бу «беминнат дастёр»лар бу юртнинг денгиз сатҳидан пастдаги экинзорларининг зах сувларини тўғондан ошириб, денгизга ташлайди, ботқоқликларни қуритади.**

**Шундай экан, нега бундай фойдали техника бизнинг истеъмол доирамиздан чиқиб кетди?**

— Ўзининг фақат яхши томонинигина кўз-кўз қилишга одатланган собиқ иттифоқ 50-йиллардан бошлаб улкан қурилишлар, «жаҳонда энг йирик» ГЭСлар, «биринчи» АЭСлар қура бошлаган бир пайтда шамол паррақларига «эскилик сарқити» деб қараш табиий эди. Шундан кейин улар Бухоро, Қашқадарё, Хоразм воҳаларидан ғойиб бўлди. Ўтган асрнинг 70-йилларида ВДНХ майдонида — Анҳор бўйига ўрнатилган шамол парраги қуввати билан ишлайдиган насосга одамлар бир ёдгорлик сифатида қарашгани ҳамон эсимда.



Баъзи мутахассисларнинг фикрича, паррак моторининг айланиши натижасида пайдо бўладиган электромагнит тўлқинлари тирик организмга салбий таъсир кўрсатар эмиш. Бўлиши мумкин. Агар бир пайтнинг ўзида, бир ерда 50-70 та шамол парраклари айланса, шундай хавф туғилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо бир ёки кичик бир гуруҳ парраклар ишлаганда бундай муаммо пайдо бўлмайди. Ишлаган паррақдан бироз шовқин чиқади, холос. Аммо бу шовқин, назаримизда паррак эгасига халақит бермайди. Аксинча, ҳаракат қилаётган паррақдан пайдо бўлган шамол, унинг ўзига хос товуши одамларга завқ бағишлайди.

Шамол паррақларини яна қайта ҳаётга татбиқ этиш учун улар албатта, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган қилиб ясалиши керак. Ускуналар эстетик томондан чиройли, ландшафтга мос, бошқа тизимлару қурилмаларга халақит бермасликлари, кам шовқинли бўлишлари керак. Бундай талабларни бирданига ҳал этиб бўлмайди. Масалан, парраклар ўрнатиладиган устунлар темирдан бўлгани яхши — шовқин кам бўлади. Каркасли бўлса янада яхши. Паррақларнинг ҳам турлари кўп: тез айланувчи кам қанотли парраклар, секин айланувчи кўп қанотли парраклар. Кам қанотли паррақларнинг устун томони — уларнинг фойдали иш коэффициенти юқори, ускуна тузилиши содда ва кам металл талаб этади. Уларнинг камчилиги шундан иборатки, бундай ускуналар, кучли шамол пайтида ишлаганида паррақнинг айланиш тезлиги қанотлар охирида товуш тезлигига яқинлашиб, ундан чиққан шовқин винтли авиамотор овозига ўхшаб кетади. Бу албатта қаттиқ товуш. Тезликнинг катталигидан эса, паррак қанотлари синиб кетиши ҳам мумкин. Кўп қанотли шамол двигателларининг устун томонлари: қўшимча ускуналарсиз ҳам ишга тушиб кета олади, тезлиги секундига 2-3 метр бўлган, кучсиз шамолларда ҳам ишлайверади, шовқин чиқармайди. Камчилик томони: фойдали иш коэффициенти кампаррақликка нисбатан анча паст, кўп металл талаб, гидроскопик моментга эга.

Бир вақтлар оиланинг хусусий электр манбаи бўлган, аммо эндиликда унутилиб кетаётган бу ускуналар чекка жойларда жойлашган оилалар, дала ҳовлилар, фермалар, кичик корхоналар учун жуда асқотади. Бундай ускунага эга бўлганлар давлат энергетика тизимига боғланмаган ҳолда, мустақил ўз-ўзини электр қуввати билан таъминлай олади. Ўзидан ортган электр қувватини эса, лозим топса, давлат энергетика тизимига сотиб, фойда ҳам олиши мумкин. Шундай ускунага эга бўлган шахслар бирлашиб ширкат тузса, иш сифати ошиб, олинадиган даромад ҳам катта бўлади.

Шамол парраги ускуналарини тайёрлаш мураккаб учиш аппаратларини яратишдек мушкул иш эмас, анча содда. Кичик механик цехларда ҳам тайёрласа бўлаверади. Бунда, айниқса, самолётсозлик, авиаремонт заводлари цехлари жиҳозларидан, электромеханик устахоналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ишнинг кўзини билган одамлар, бир вақтлар, кроват қиладиган устахоналарда самолёту вертолётлар, ракетаю катюшалар яратишган. Ўйлайманки, ўзини фақат савдо-сотиққа урганлар ичида ҳам бу ғаройиб, фойдали ишга қизиқувчи омилкор одамлар топилади.

ХДП ХАБАРИ

# ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА — ҚЎРҒОН САЛОМАТ

Дунёда ватанни ҳимоя қилишдек шарафли вазифа йўқ. Миллатидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўзи мансуб бўлган халқ ва ватан олдида бурчлидир. Ана шунинг ҳам ватан ҳимоячилари ҳамиша ардоқланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 10 йиллиги ва 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни республикамизнинг барча гўшаларида алоҳида кўтаринкилик билан нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг алоқачилар ҳарбий бўлинмасида «Қуролли Кучларимиз — фахримиз ва ифтихоримиз!» мавзуида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди.

Ушбу тадбирни Марказий Кенгаш котиби Аслиддин Рустамов очиб, зобит ва аскарларни касб байрамлари билан табриклади. «Ватанни асраш фақат ҳарбийларнинг ёки давлатнинг вазифаси бўлибгина қолмай, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳар бир фуқаро бу шарафли вазифа атрофида жипслашиши даркор», — деб таъкидлади у.

Тадбир давомида «Етти гўзал» ансамблининг хонанда ва раққоса қизлари, хушовоз қўшиқчи Анвар Санаев ҳамда «Истиқбол» ёшлар клуби аъзолари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



# ТИББИЁТГА ТИЙРАН НАЗАР



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

*Самарқанд давлат тиббиёт институти ўз салоҳияти, малакали кадрлар етиштираётгани билан мамлакатимизда ўзига хос ўрин тутади. Бу илм даргоҳи тўнғич тиббиёт масканларидан ҳисобланади. Фахр билан айтиш мумкинки, бу ерда фанда мактаб яратган улкан алломалар фаолият кўрсатишган. Бугун эса институтда ушбу даргоҳнинг нуфузини янада юксалтириш, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилаётган соғлом фикрли олимлар жамоаси илмий изланишлар олиб бормоқда.*

*— Бугун кафедрамиз ўз иш фаолиятини янада кенг кўламда олиб бормоқда, — дейди институт қошидаги врачлар малакасини ошириш факультети қулоқ, томоқ, бурун касалликлари кафедраси мудири, профессор Умрилло Лутфуллаев. — Фандаги янгиликлар, даволашнинг бугунги усуллари, дори-дармонларнинг ишлатилиши кун сайин янгиланиб бормоқда. Жаҳон тиббиётининг бугунги аҳволи, унда юз бераётган илмий кашфиётлар, турли вилоятлардан келган шифокорларга тушунтирилади. Кафедрамиз профессор-ўқитувчилари қўшни вилоятларда бўлиб шифокорларга амалий ёрдам кўрсатади, улар билан машғулотлар олиб боради. 2000-2001 йиллар давомида кафедрада иккита фан номзоди тайёрланди. Ёшларнинг илмий изланишларига кенг йўл очиб берилган. Бизнинг асосий вазифамиз қулоқ, томоқ, бурун касалликлари мутахассисларининг малакасини ошириб бориш. Бугун кафедрамиз аспирант ва тадқиқотчилари фаннинг янги йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Шифокорнинг биринчи вазифаси беморни қийнаётган дарддан фориғ қилиш.*

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

**Суратда:** 1. Профессор Умрилло Лутфуллаев кафедра аъзолари билан. 2. Беморлар кўриги.

# ЯНА БИР ЯНГИ ФИЛЬМ

Киночилар уйида севимли адибимиз Эркин Аъзам сценарийси асосида яратилган янги «Дилхирож» бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Фильм бош режиссёри Юсуф Розиқов ўзбек кино мухлислари ҳукмига яна бир янги фильм ҳавола этилаётганлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга йиғилганларга фильм ижодкорларини қисқача таништириб ўтиб, фильмни суратга олиш мобайнида дуч келинган қизиқ воқеалардан сўзлаб берди.

Сценарий муаллифи Эркин Аъзам фильмнинг муваффақиятли чиқишида жонбозлик кўрсатган ижодкорларга яна бир бор раҳмат айтиб, асар мавзусини ва нима сабабдан айнан шу мавзу танланганини тушунтириб берди.

Учрашувда бош ролларни ижро этган Тўти Юсупова, Зикир Муҳаммаджонов, Севинч Мўминова ва Алишер Ҳамроевлар ҳам иштирок этди.

Энди фильмга қайтадиган бўлсак, у ҳеч қачон эскирмайдиган мавзу — муҳаббат ҳақида. Кино Бойсун тоғларининг гўзал табиати қўйнида суратга олинган. Бунда сиз бойсунликларнинг қизиқ одатлари-ю, яшаш тарзи билан яқиндан танишасиз.

■ **Феруза ХУДОЙҚУЛОВА**

ОЧИҚ ГАПЛАР

# БАНДИХОНДА БОЗОР БОРМИ?

*— Бозор ичкарисига қаердан кирилади, биродар?*

*— Хув ана, деворнинг тирқишидан ўтолсангиз, ичкариси — бозор.*

*— Ие, бозорнинг дарвозаси бўлмайдими?*

*— Нега бўлмасин, нариги томонда қўшқанотли дарвоза учун жой қолдирилган. Лекин юриш мушкул, зах чиқиб, ботқоқ бўлиб ётибди.*

*— Бозорнинг бошлиғи ким экан, билмайсизми?*

*— Мен-да, бозорнинг раиси Ҳасан Тошпўлатовман!*

*— Э, яшанг-е, нега бозор бу қадар хароб?*

*— Ҳа, қалин қилиб тош-шағал тўшамаса, юриб бўлмайди.*

*— Нега тош-шағал тўшатмаяпсиз бўлмаса?*

*— Ахир бу ишларга маблағ керак. Бандихон эса...*

*— Кечирасиз-у, Бандихоннинг ҳар сойидан бир дунё тош-шағал келтирса бўлади. Бунинг учун пул эмас, ҳашар, ташкилотчилик қилинса бас.*

*— Ҳа энди, бу «катта-лар»нинг иши-да...*

*Туманнинг қоқ марказидаги деҳқон бозорининг умумий сатҳи 1,6 гектарни ташкил қилади. Бозор атрофида хусусий дўконлар учун ажратилган жойларда бошланган қурилиш ишлари чала ташлаб кетилганига 5-6 йил бўлган. Бозор майдонига қадам боссангиз, тиззагача лойга ботиб кетишингиз ҳеч гап эмас. 52 ўринга мўлжаллаб, қачондир қурилган айвонли растaларда савдо қилишнинг иложи йўқ. Айвон ости зах ва лой, ёғочлари қийшайиб, синиб ётибди. Бор-йўғи 5-6 нафар деҳқон ва тижоратчи халта-хулталарда сабзи, пиёз, шолғом каби сабзавотларни олиб ўтиришибди.*

*— Бизнинг бозорда шароит йўқлиги учун одамлар бозор-ўчарга қўшни Қизириқ, Олтинсой, Қумқўрғон туманларига кетишади, — дейди сабзи сотиш учун келган аёллардан бири. — Ҳатто якшанба кунлари ҳам Бандихонда бозор бўлмайди...*

*Бозор бўлмагач, бозор бошлиғининг идораси ҳам бўлмайди-да. Раис билан ҳисобчи Норпўлат Нормўминовлар қўлларини чўнтакка солиб, айланиб юришади ёки шу ердаги харобгина ошхонада чойхўрлик билан кун ўтказишади.*

*— Ойида 75-80 минг планимиз бор, — дейди ҳисобчи, — уни бажариб турибмиз. Тўғриси, ҳар чоршанба куни бу ердан олти чақирим нарида «Пахтакор» хўжалиги идораси ёнидаги чимзорда тижоратчилар бозори бўлади. Ўшанинг ҳисобидан планни бериб турибмиз...*

*Фикримизча, марказдаги бозорни бозор ҳолатига келтириб, шароитлар яратилса, сотувчи ҳам, харидор ҳам келаверади. Бандихон тумани ташкил этилганига 9 йил бўлди. Ҳозир аҳолиси қарийб 36 мингга етган. Кундалик турмуш учун эса бозор албатта зарур. Қолаверса, бозорлар фаолиятини яхшилаш борасида кўрсатмалар, республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари ҳам бор.*

*Тўққиз йил ичида Бандихон бозорининг раиси ўн икки марта алмашибди. Охиргиси, аввал туман почта бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келган Ҳасан Тошпўлатов олти ойдан буён бозор ичкарисига бир арава тош ҳам тўколмапти...*

*Эҳтимол, яна бирмунча вақтдан сўнг бозорга ўн учинчи раис ҳам қўйилар. Лекин туманнинг иқтисодий ночорлиги рўкач қилиниб, ташкилотчилик ишлари йўлга қўйилмас экан, Бандихон бозори йўқ туманлигича қолаверади...*

*Бозор бўлмагач, туманда истиқомат қилувчи аҳоли бошқа туман бозорларига қатнаб, сарсон-саргардон бўлаверадилар.*

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, Чори АЛИМ, Сурхондарё вилояти**

## ЗАРБА МЎЛЖАЛГА ТЕГМАДИ



Исроил ҳарбий флоти Ғазо шаҳридаги денгиз полициячилари постини ўққа тутган. Натижада ракетали зарба денгиз полицияси жойлашган бинони вайрон қилган. Қурбонлар ҳақида маълумот берилмаса-да, зарба оқибатида ушбу портдаги Ёсир Арофатнинг шахсий кемаси зарарланиши мумкин эди, деган фикр мавжуд. Арофатнинг ўзи эса ҳамон Рамоллоҳ шаҳрида қамалда сақланмоқда.

Шунингдек, Исроил армиясининг Рафаҳ яқинидаги қочоқлар лагери ўққа тутилгани ҳақида ҳам хабар берилади.

Исроил расмийлари ҳамон, Қизил денгизда қурол-яроғ ортилган кемани қўлга олишгандан сўнг, бу контрабандага Ёсир Арофат бошчилик қилган, деган фикрдалар. Фаластин етакчиси эса бу айбловни инкор этиб келаяпти. Хабарларга кўра, ҳозиргача Исроил полицияси томонидан ушбу контрабандага дахлдор уч нафар фаластин ҳарбийлари қўлга олинган.

## «ТВ-6» ТАРИХГА КЎЧДИ



Россия Олий арбитраж суди олдин Москва арбитраж суди томонидан чиқарилган қарорни тасдиқлади. Қарор Россиянинг «ТВ-6» каналининг ёпилиши ҳақида эди.

«Буюртма қотиллик юз берди, миллий телекомпанияни ўлдиришди» дея изоҳлайди ушбу қарорни «ТВ-6» бош директори Евгений Киселев.

Россия матбуоти ушбу қарорни «ТВ-6» ҳомийлари Владимир Гусинский ва Борис Березовский номи билан боғлашмоқда.

Маълумотларга кўра, «ТВ-6» жамоаси сўнгги умидини Россия Конституциявий судига боғламоқда. Бироқ, мутахассислар бу умиднинг пуч эканлигини ҳозирданоқ билдиришди.

## ТАҲДИДГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ



Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги келишмовчиликлар ядровий уруш даражасига етиши мумкин, деган хавотирларга барҳам бериладиганга ўхшайди. Бунга Покистон раҳбари Парвез Мушаррафнинг мамлакатдаги экстремистик гуруҳларни тинтув қилиш ва ҳибсга ола бошлагани сабаб бўлди. Ҳиндистон парламентига ҳужум уюштиришда айбланаётган «Лашкар-э-Таиба» гуруҳи аъзоларининг қамоққа олингани ҳақида хабар қилинади. Умуман, ҳозир мамлакатда шахсан Мушарраф раҳбарлигидаги аксилтеррор ҳаракати бошлангани ва барча шубҳа остига олинган мадрасалар тинтувдан ўтказилаётгани маълум қилинмоқда.

Парвез Мушаррафнинг бу қадами табиийки, расмий Ҳиндистон томонидан муносиб баҳоланиши кутилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозиргача Покистонда турли экстремистик гуруҳга аъзо 200 нафарга яқин киши қўлга олинган. Бироқ ушбу жараён миқёсидаги қамоққа олинганларнинг сони янада ортиши кутилмоқда.

**МАМЛАКАТЛАР ВА ПРЕЗИДЕНТЛАР**

# АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: 43 РАҲБАР



*АҚШ давлатининг озодлик мамлакати дея ном олиши, Штатларнинг Буюк Британия истибдодига қарши олиб борган мустақиллик кураши натижасида пайдо бўлган. 1763 йилдан 1776 йилгача давом этган беаёв уруш 1776 йил 4 июлда мамлакат мустақиллигининг эълон қилиниши билан якун топди ва тарих саҳнасида АҚШ деган янги бир давлат юз очди. Мана орадан 225 йил вақт ўтди. Бу тарих мезонларида қисқа муддат ҳисобланса-да, шу давр ичида АҚШ дунёнинг энг қудратли давлатига айланди. Албатта, мамлакатнинг бундай тараққиётга эришувида давлат раҳбари — Президентларнинг бекиёс ўрни бор. Шунинг учун ҳам америкаликлар фахр ила «Америка тарихи — бу президентлар тарихидир», дейишади.*

*Ҳақиқатан ҳам ҳар бир Президент ўз халқи учун буюк хизмат кўрсатиб кетган. Мамлакат тарихида у ёки бу ҳодиса, албатта, қайсидир Президент номи билан боғлиқдир.*

*Бугунги кунга қадар 43 нафар Президент номи тарих саҳифаларига дарж қилинган. Уларнинг ҳар бири ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, сиёсий қарашлари, диний ва этник мансублигига кўра ўзига хосликларни намоён этади. 1787 йил Филадельфияда қабул қилинган ва бир қатор ўзгартишлар билан амал қилиб келаётган мамлакат Конституциясига кўра, президент 4 йил муддатга сайланади. У ҳукумат ва давлат раҳбаридир. Айни пайтда, мамлакат қуролли кучларининг қўмондони ҳисобланса-да, уруш эълон қилиш, ҳарбий ҳаракатларни бошлаш, муҳим ташқи иқтисодий ва сиёсий шартномаларни имзолаш ҳамда ратификация қилишда Конгресс Сенатининг розилигини олиши шарт. Президент ўз масъулиятини суиистеъмол қилганда Вакиллар палатаси олий палата — Сенат олдига импичмент — президентга истеъфо бериш масаласини қўйиши мумкин. Бу эса президентлик мандати муддатидан аввал тугади деганидир.*

*Мамлакат сиёсий ҳаётида икки партия — республикачилар ва демократлар партияси етакчи роль ўйнайди. Президентлик курсиси ҳам айнан шу икки партия орасида қўлдан-қўлга ўтади.*

*Ҳозирга қадар **19 нафар Президент Республикачилар партиясидан:** Абрахам Линкольн (1861-1865), Андрю Жонсон (1865-1869), Уильс Грант (1869-1877), Рузерфорд Хайс (1877-1881), Жеймс Гарфильд (1881 й.), Честор А. Артур (1881-1885), Бенжамин Харрисон (1889-1893), Уильям Миккинлей (1897-1901), Теодор Рузвельт (1901-1909), Уильям Н. Тафт (1909-1913), Уоррен Ж. Хардинг (1921-1923), Келвин Гулидж (1923-1929), Херберт К. Хувер (1929-1933), Давид Эйзенхауер (1953-1961), Ричард Никсон (1969-1974), Жералд Форд (1974-1977), Рональд Рейган (1981-1989), Жорж Буш (1989-1993), Жорж Волькер Буш (2001 й.). **15 нафари демократлар партиясидан:** Андрю Жаксон (1829-1837), Мартин Бюрен (1837-1841), Жон Тайлер (1841-1845), Жеймс К. Полк (1845-1849), Франклин Пиерс (1853-1857), Жеймс Бушанан (1857-1861), Гровер Клевлан (1885-1889, 1893-1897), Вудро Вильсон (1913-1921), Франклин Д. Рузвельт (1933-1945), Харри С. Труман (1945-1953), Жон Ф. Кеннеди (1961-1963), Линдон Б. Жонсон (1963-1969), Жеймс Картер (1977-1981), Уильям Б. Клинтон (1993-2001), **4 нафари республикачи-демократлардан:** Томас Жеферсон (1801-1809), Жеймс Мадисон (1809-1817), Жеймс Манро (1817-1825), Жон Квинси Адамс (1825-1829) бўлгани ҳолда, **3 нафари Виглар партиясидан:** Уильям Х. Харрисон (1841 й.), З. Тайлор (1849-1950), Милард Филморр (1850-1853), **2 президент:** Жорж Вашингтон (1789-1797), Жон Адамс (1797-1801) эса **федералчилар партияси**дан чиққан.*

*Маҳаллий келиб чиқишига қараб, Президентларнинг 8 нафари Виржиния штатидан бўлиб, уларнинг аксарияти демократлардир. Унга қўшни бўлган Охио штатида эса 7 нафар Президент камол топган. Массачусетс, Нью-Жерси, Нью-Йорк, Техас штатларида 2-3 нафардан давлат раҳбари етишиб чиққан. Амалдаги президент Ж. В. Буш ҳам айни техасликдир. Умуман айтганда, ҳозиргача 50 штатдан 19 таси ўз вакилини президентликка сайлай олган, холос. Начора, президентлар ҳам ҳамма жойда бирдек туғилавермайдиганга ўхшайди. Президентларнинг 16 нафари мазкур лавозимга икки маротаба сайлана олганлар. Ж. Вашингтон, Т. Жеферсон, Ж. Манро ва бир қатор президентлар ўша давр Конституцияси имкон берсада, учинчи марта сайланишдан ўз хоҳишларига кўра воз кечганлар. 1951 йил АҚШ асосий қонунига киритилган йигирма иккинчи ўзгартиш президентликка фақат бир мартагина қайта сайланиш тамойилини жорий этди. Лекин бунга қадар Ф. Д. Рузвельт 4 марта (1932, 1936, 1940, 1944 й.) президентликка сайланиб улгурган эди. Умуман қайта сайланиш масаласида шуни унутмаслик керакки, Конституцияга асосан, агар амалдаги президент ўз мандати тугашига икки йилдан оз муддат қолганда вафот этса ёки истеъфога чиқса, унинг ўрнига келган президент (интерим) унинг ваколатини охирига етказади, шундан сўнг ўзи президентликка сайланиши ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Бундай имконият 1963 йил ноябрда Ж. Кеннеди отиб ўлдирилгач, президентликни давом эттирган Линдон Жонсонгагина насиб этган. У Ж.Кеннеди ваколатини охиригача давом эттириб, 1964 йил ўзи президентликка сайланди ва 1968 йили қайта сайланиш имкониятидан воз кечди. (Одатда вице-президентлар президент ваколатини давом эттиради: Труман (1945-48), Л.Жонсон (1963-64), Ж. Форд (1974-76)).*

*Америка тарихида У. Харрисон (1841 й.), З. Тайлор (1849-50), М. Филморр (1850-53), Ж.Гарфилд (1881 й.) У. Хардинг (1921-23), Ф. Д. Рузвельт (1945 й.) ўз мандатлари охирига етмай касаллик туфайли вафот этганлар. А. Линкольн (1861-65) ва Ж. Кеннеди (1961-63) эса қуролли суиқасд қурбони бўлиб, ўз ваколатларини давом эттира олмаганлар. Бу икки шахс тақдири орасида бир қатор ўхшашликлар бўлганлиги қайд этилади: уларнинг ҳар иккиси жума куни бош ва гарданига теккан қўшалоқ ўқдан ўз рафиқалари ҳозирлигида жон берганлар. АҚШ президентларидан яна икки нафари «импичмент балоси»га дучор бўлган ва президентлик курсисидан озод этилган. Гап АҚШнинг ўн еттинчи президенти А. Жонсон (1868 й.) ва «Ватергейт» иши бўйича айбланган республикачи раҳбар Р. Никсон ҳақида бормоқда. Демократларнинг марказий биносига эшитиш мосламаларини ноқонуний ва хуфёна ўрнатишда айбланган Р. Никсон Конгресс импичментини кутиб ўтиришга бардоши етмай 1974 йили 8 августда ўзи истеъфо берди. АҚШнинг қирқ иккинчи президенти Б.Клинтон эса «Моникагейт» (1998-1999 й.) иши билан боғлиқ можаро туфайли хавф солиб турган импичмент тиғидан аранг омон қолди. Америка халқи ўз президенти ва фарзандини ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлари учун кечира олди.*

*Президент сайловларида энг кўп овоз олгани демократлар партиясининг номзоди Л.Б.Жонсон бўлиб, у 1964 йили 61,1 фоиз овоз йиғишга муваффақ бўлган. Ундан кейинги ўринни, шубҳасиз Ф.Д.Рузвельт 60,8 фоиз (1936 й.), Р. Никсон 60,7 фоиз (1972 й.), У. Хардинг 60,4 фоиз (1920 й.) ва Р. Рейган 58,8 фоиз (1984 й.) овоз билан эгаллайди.*

*АҚШ президентлари тарихида сулолавий президентлик ҳам учраб туради. Давлатнинг иккинчи президенти Ж.Адамснинг (1797-1801) ўғли Ж.К.Адамс 1825 йили олтинчи президентликка муносиб, деб топилган. Иккинчи ёрқин мисол эса Бушлар оиласидир. 1989-93 йиллар президентлик қилган Ж.Буш ишини унинг ўғли кичик Волькер Буш давом эттиришга бел боғлади.*

*Мана шундай умумий тафсилотлардан сўнг АҚШ давлат раҳбарларининг баъзи бирлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.*

*Мамлакатнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон 1732 йили аслзода оиласида туғилган ва полковник даражасигача кўтарилган ҳарбий киши эди. У мустақиллик урушининг қаҳрамонларидан бирига айланди ва 1789 йил 4 мартда АҚШ президенти этиб сайланди. 1792 йили қайта сайланган Вашингтон 1796 йили учинчи мандатдан ўз ихтиёри билан воз кечди: унингча бу Американи монархияга қайтариши мумкин эди. У ўз ғояларига кўра федералист ҳам бўлган: штатларга нисбатан марказий ҳокимият кучли бўлмоғи керак. Биринчи президент АҚШни Европанинг ички низоларига аралашмасликка даъват этди, айни пайтда, Америка ишларига «қари дунё»нинг аралашмаслиги зарурлигини ҳам унутмади. У ғоят камтарлик билан ҳаёт кечиришга ҳаракат қилди. Сенатнинг «жаноб олийлари» деган мурожаатини ийманибгина рад этиб, ўзини «жаноб президент» дея тақдим этди. «Агар мен энг ёмон президент бўлсам, АҚШнинг энг охирги президенти бўламан» деган сўзлар унинг асосий шиори бўлиб қолди.*

*Томас Жеферсон (1743-1826) виржиниялик бой деҳқон оиласида туғилган. У ўзи асос солган Виржиния университетида философия бўйича муаллимлик қилди. 1800 ва 1804 йиллар АҚШ президентлигига кетма-кет сайланди. Соддагина ҳаёт кечирган Томас 1776 йил 4 июлда дунёга келган Америка Мустақиллик Декларациясининг муаллифи эди. У одатда, Оқ уйга пиёда боришни канда қилмас эди.*

*Абрахам Линкольн (1809-1865 й.) АҚШнинг ўн олтинчи президенти, анча ночор оиладан чиққан бўлиб, ҳатто етарли тўлиқ маълумот ҳам ололмаган эди. 1847-49 йиллар Конгресснинг вакиллар палатасига аъзо бўлган Линкольн 1860 йили республикачилардан президентликка номзод этиб кўрсатилди ва ғалаба қозонди. 1864 йили қайта сайланди, бироқ кўп ўтмай 1865 йил апрелида отиб ўлдирилди. У шимол-жануб урушида шимолликларни ғалаба томон дадил етаклади. Америка учун унинг буюк хизмати шундан иборат бўлдики, у қулликни бекор қилди ҳамда оқлар ва қоралар тенглигини жорий этди. «Кимки Америкада қулликни тарғиб этса, унинг ўзи қулликка мансубдир» дея жар солди у. Бўйи икки метрдан ошиқ дароз ва беҳусн бу инсон Америка халқи тарихида гўзал хотира қолдира олди.*

*Ф. Д. Рузвельт (1882-1945) «тиниб-тинчимас» лақабига эга бўлиб, 1929-1933 йиллар Нью-Йорк губернатори бўлган. 1932 йил 50 ёшида президент этиб сайланди ва умрининг охиригача 12 йил узлуксиз мамлакатни бошқарди. Жисмоний фалажликка чалинган Рузвельт мамлакатни иқтисодий фалажлик касалидан даволай олди. 1933-36 йиллар давомида амалга оширилган «New-Deal» ислоҳотлари кутилган натижани берди. Мамлакат тараққиёти йўлида тиниб-тинчимас эди, эришилган натижалар эса унинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшарди. Ўз фаолиятидан қониқиш ҳисси билан «Бир вақтда икки ишни бажара олмасам, бу менинг учун уятлидир» деб такрорлар эди.*

*Ниҳоят охирги техаслик саноатчи, республикачиларнинг қирқ учинчи президенти Ж. В. Бушга келсак, у 271 овоз билан 267 овоз олган А. Гор устидан ғалаба қозониб, ўз фаолиятини 2001 йил 20 январдан бошлади. Унингча «АҚШ дунёдаги энг қудратли ягона давлат. Шундай экан у ўз салоҳиятини дунёда тинчлик ва озодлик тантанаси учун бахшида этмоғи керак». Америка ва жаҳон жамоатчилиги унинг тўғрисида ўз фикрларини айтиб ўтишга улгуриб бўлди. Лекин тарих унинг хусусида ўз баҳосини беришга шошилмайди.*

■ **Ҳайдар МУРОД**

**INTER-SPORT**

## ЭНГ ЯХШИ ТЕННИСЧИ



*Ниҳоят, Профессионал теннисчилар ассоциацияси сўровларига кўра, ўтган йилнинг энг яхши теннисчиси номи аниқланди. Бундай шараф австралиялик Ллейтон Хьюиттга насиб этди. Бу теннисчи ўтган мавсумда энг ёш ва пешқадам ўйинчи сифатида халқаро рейтингини мустаҳкамлашга эришган эди. 20 ёшли Хьюитт бултур 6 та нуфузли турнирда ғалаба қозонган. Улар орасида АҚШ очиқ чемпионати ҳамда Сиднейда ўтказилган «Tennis Masters Cup» баҳслари ҳам бор. «Буни ҳайрат деса ҳам бўлади, — дейди Хьюитт. — Боиси, навқирон ёшимда яна Австралияда орзу-умидларнинг ушалиши бахтиёрликдан нишонадир». Уимблдон турнири ғолиби хорватиялик Горан Иванишевич «тараққиёт» совринига сазовор бўлди. У йил мобайнида ўз саъй-ҳаракатлари билан 129-ўриндан 22-поғонага кўтарилди. Бу борада америкалик Жеймс Блек 112-ўриндан 74-поғонага кўтарилиш билан иккинчи натижа кўрсатди. Олмониялик Томми Хаас тараққиёт масаласида учинчи бўлди. Таниқли теннисчи, россиялик Марат Сафин эса «Мухлислар севган ўйинчи» номини олди.*

## ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАБ



*Солт-Лейк-Ситида бошланадиган Қишки олимпиада ўйинлари байроғи кўтарилишига тобора оз вақт қолмоқда. Қишки спорт анжумани баҳсларини ташкил этувчилар эса ўзига хос хавфсизликни таъминлаш борасида қайғурмоқдалар. Хусусан, олимпиада шаҳрига Ютидан миллий гвардия отрядлари ҳамда бошқа штатлардан ҳарбий бўлинмалар етиб келди. Яқин вақт ичида уларнинг сафи 3500 кишини ташкил этиши кўзда тутилган. Бор-йўғи бир ярим ой мобайнида ҳушёрлик ва огоҳлик билан хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қиладиган бу кучлар кўпроқ олимпиаданинг очилиш ва ёпилиш маросимларида туриб беришга ҳаракат қилишлари кўзда тутилган. АҚШ федерал авиация бошқармаси эса спорт тадбири кунларида Солт-Лейк-Ситига ҳар қандай парвозлар бўлмаслигини маълум қилди. Ҳатто йўловчилар самолётлари ҳам бу шаҳар атрофига 45 мил масофагача яқинлашишлари мумкин экан.*

## ҚЎПОЛЛИГИ ПАНД БЕРДИ



*Миллий баскетбол ассоциацияси мавсумида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Хусусан, Чикагода «Los Angeles Lakers» клубининг марказий ҳужумчиси Шакил Онил майдондан четлаштирилди. У «Chicago Bulls» клуби билан учрашувда қалтис қўполликка йўл қўйди. Бунга сабаб, учрашувнинг 12-дақиқасида мезбонлардан Брэд Миллер Онилга қарши ўйинда қўполлик қилиши марказий ҳужумчини важоҳатга келтиришидир.*

*«Фол йўл қўйилган қўполликдан мамнун эди, Миллернинг ҳам омади келди, чунки Шакил тўпни бой берганди. Зеро, мен улардан анча нарида бўлишимга қарамай, Онилнинг қулочкашлаб қилган қўполлигини ҳис этдим», — дейди ўйинчилардан бири Коб Брайант.*

*Шундай қилиб кутилмаганда чиққан жанжал туфайли Миллер майдондан четлаштирилди. Окли, ҳужумчи Рик Фокслар ҳам майдондан чиқишди. Пешқадам ўйинчисиз қолган «Los Angeles Lakers» клуби эса 100:102 ҳисобида имкониятни бой берди.*





**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ**

# КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ, ИСИТМАСИ ОШКОР ЭТАДИ

## УЗИЛГАН УМИД ИПЛАРИ

АҚШни жаҳонда энг йирик индустриал давлат сифатида танитишда мамлакатнинг оғир саноат, энергетика, нефть ва газ тармоқларида фаолият юритадиган гигант корхоналарнинг роли каттадир. Катта сармоя талаб этиладиган ушбу соҳаларда ҳам хусусий секторнинг улуши анчагина. Гарчи, ушбу мамлакатда монополияга қарши қонунлар етарлича кучайтирилган бўлса-да, ишлаётган корхона борки, бозорда қайси жиҳати билан бир якка ҳокимликка эга. Бундай корхоналарнинг молиявий инқирози қанчалик кутилмаган ҳол бўлса, банкротлик оқибатида мамлакат иқтисодиётига таъсири ҳам кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Албатта, табиий рақобат қурбонлари бундан мустасно.



Ана шундай гигант корхоналардан бирининг банкрот деб эълон қилиниши АҚШ учун кутилмаган «зарба» бўлди. Бу энергетика соҳасида узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган «Enron» компаниясидир. «Enron» АҚШда электр энергиясини сотувчи энг йирик компания бўлиши билан биргаликда, табиий газ бизнеси бўйича ҳам жаҳонда етакчилик қилиб келади. Шунингдек, мамлакат ички бозоридаги кўмир, турли оғир металлар, пластмасса ҳамда қоғоз хомашёсининг катта улуши ҳам ушбу компания ҳиссасига тўғри келарди.

«Enron» ўзининг молиявий инқирозини охирги нажот иплари узилгандан кейингина, яъни ўтган йилнинг декабрь охирларида ошкор этди. Аммо, энди кеч — корхонани сақлаб қолишга ҳеч қандай умид йўқ эди. Шу вақтгача эса раҳбарият корхонанинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида акциядорларни ҳам, бизнесдаги шерикларини ҳам сохта маълумотлар билан ишонтириб келган. Оқибатда эса мамлакатда ишсизлар сони яна ошишига, хомашё-товар биржаларида нархларнинг кескин кўтарилишига олиб келди.

## САБАБ ВА ОҚИБАТ

Ҳа, молиявий инқироз ҳеч кутилмаганда содир бўлди. Бунинг оқибати жуда аянчли. Аммо, ўз-ўзидан савол туғилади. Компаниянинг юқори даражадаги раҳбарияти шундай улкан корхонанинг боши берк кўчага кириб қолишини аввалроқ билишмаганмиди? Ёки, мамлакатдаги кенг истеъмолли ҳамда сердаромад соҳалар бўлган — электр энергияси, табиий газ билан иш кўрадиган бундай бой корхона атиги бир йил ичида тубсиз қарзга ботиши мумкинми?

Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш учун АҚШ Адлия вазирлиги компания устидан жиноий иш очди. Ҳукумат органлари томонидан махсус тафтиш гуруҳи тузилди. Шунингдек, Конгресс аъзоларидан иборат бешта комиссия ҳам иш олиб бормоқда. Улар ҳозирча, компаниянинг Хьюстон, Сан-Франциско ҳамда Нью-Йоркдаги Асосий офисларида текширувлар олиб боришади.

Ҳукумат ҳозирча «Enron» компаниясига аниқ бир айбни қўймаган бўлса-да, жиноий иш учун асосли далиллар мавжуд.

Маълумотларга қараганда, охирги бир йил ичида корхона акцияларининг қиймати 85 доллардан бир долларгача арзонлашиб кетган. Компания раҳбарлари акциялар қийматининг тушиб кетишини олдиндан билган ҳолда, барча акцияларни сотиб, чўнтакларини қаппайтиришга улгуришган. Ваҳоланки, корхона жами акцияларининг катта улуши улар қўлида эди.

Компаниянинг 40 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилари эса иш жойларидан ажралиш билан биргаликда, пенсия жамғармалари ҳисобидан олинган барча акцияларига, улар нархининг кескин пасайиши туфайли «куйиб» қолишган. Уларнинг бизнес қурбони бўлишига раҳбариятнинг қонунга хилоф равишда ишчилар қўлидаги акцияларнинг сотилишини тақиқлаб қўйганлиги асосий сабабдир. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, жами ишчи-хизматчиларнинг қўлида 20 миллиард доллардан ошиқ миқдордаги акциялар мавжуд бўлган.





## ИҚРОР

Компания раҳбариятининг тан олишича, тўрт йил давомида ҳақиқий молиявий аҳвол бузиб кўрсатиб келинган. Ўз пайтида «Arthur» аудиторлик фирмаси ҳам корхона фаолиятида ноқонуний ҳаракатлар изи борлигини айтиб, огоҳлантирган эди. Лекин, негадир раҳбарият ҳамма нарсадан кўз юмишни афзал билган.

Расмий Вашингтон маъмурияти «Enron»нинг молиявий инқирозидан ташвишда. Шунинг учун, шахсан Президентнинг ўзи тафтишни кучайтиришни буюрган. Айтганча, «Enron» ва Жорж Буш ўртасида маълум алоқалар мавжуд. Яъни, Техас штати губернаторлиги учун кураш пайтларида айнан шу компания унинг бош ҳомийси эди.

■ **Хорижий манбалар асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**
**2002 ЙИЛ 15,22 ФЕВРАЛЬ, 15,29 МАРТ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

**САВДОГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли, «Тошкент» аэропортининг Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Фуқаролик авиацияси шаҳарчаси, 75-уйда жойлашган, умумий майдони 330,75 кв.м. бўлган 75-сон модалар ательеси биноси. **Бошланғич нархи — 5 000 000 сўм ёки 7 344 АҚШ доллари.**

2. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, умумий майдони 4050 кв.м. бўлган, икки қаватли савдо уйи биноси. **Бошланғич нархи — 257 188 549 сўм.**

3. «KOMPYUTER SPECTR» масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида жойлашган, умумий майдони 0,34 га. бўлган дам олиш маскани (мол-мулки билан биргаликда). **Бошланғич нархи — 3 027 436 сўм.**

**САВДОЛАР СОАТ 10-00да БОШЛАНАДИ.**

Газетанинг 153-сонида берилган эълонда кўрсатилган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли «Локомотив» меҳмонхонаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси қарорига асосан Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази орқали сотилишини маълум қилади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.

**Телефонлар:** 144-44-73, 144-71-78.

**Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали**

